



№ 14/02-10

« 26 » январь 2018 й.г.

**“Ўзбекнефтгаз” Миллий холдинг
компанияси раиси А.С.Султановга**

ДЕПУТАТ СЎРОВИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 28 июлдаги “Андижон вилоятининг Хонобод шахрини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари дастури” тўғрисидаги 557-сонли Қарори қабул қилинган. Қарорнинг 10-иловасига асосан раҳбарлигингиздаги “Ўзбекнефтгаз” Миллий холдинг компанияси Хонобод шаҳрида фаолият кўрсатмаётган Алишер Навоий номли маданият ва истироҳат боғига бириктирилиб, 3 млрд. сўмлик реконструкция ва қурилиш ишларини амалга ошириш вазифаси юклатилган.

Шу муносабат билан, Сиздан, “Парламент назорати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 15-моддасига асосан, Хонобод шаҳридаги Алишер Навоий номли маданият ва истироҳат боғида амалга оширилган ишлар юзасидан батафсил маълумотларни тегишли хужжатлар иловаси билан тақдим қилишингизни сўрайман:

1. Реконструкция ва қурилиш ишларини амалга ошириш лойиҳа хужжатлари ишлаб чиқилиб, тасдиқланганми;
2. Лойиҳа тасдиқланган бўлса уни таъминлаш учун қанча маблағ сарф этилиши кўзда тутилган ва лойиҳанинг амалга оширилиш муддати қачонга белгиланган;
3. Лойиҳани амалга оширилиши учун қурилиш ташкилотлари билан шартнома тузилганми .

(Депутатлик сўровига белгиланган муддатда жавоб тақдим этилмаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси МЖТК нинг-193-моддасига кўра маъмурий жавобгарликка тортилиши белгиланган)

Ҳурмат билан,

Т.Каримов